

## “Ягонасан, муқаддас Ватан!” танлови

☒ Олий таълим муассасалари талабаларининг Ватанга садоқат, унинг тақдири учун даҳлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан “Олий таълим муассасалари ўртасида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” Республика кўрик-танлови ўtkазилиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 9-июль куни Ўзбекистон давлат концерваториясида танловнинг якуний Республика босқичи ўтказилди. Кўрик танловда 16 та худуднинг Олий таълим муассасаларидан келган иқтидорли ёшлар ўзаро беллашишди. Мазкур танловнинг якуний босқичига бўлган танловларда муваффақиятли иштирок этиб келган институтимиз Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультети талабаси Дадарбоев Мухриддин хам фаол иштирок этиб Республика танловида 4-уринни қўлга киритди.

Кўрик-танлов ташкилотчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари, шунингдек, Вазирлик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази томонидан овоз ёзиш студиясидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан рағбатлантирилди.